

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВА МОҲИДИЛ НОСИРОВНА**

**ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ХЕЛИКОБАКТЕР ПИЛОРИ БИЛАН  
АССОЦИРЛАНГАН ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИНИ  
УЧРАШИ, ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кодирова Моҳидил Носировна**

Туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги  
камқонлигини учраши,ташхислаш ва даволашни

такомиллаштириш.....3

**Кодирова Моҳидил Носировна**

Явление, оптимизация диагностики и лечения железодефицитной анемии,  
ассоциированной с *H.pylori* у женщин детородного возраста

.....23

**Kodirova Mohidil Nosirovna**

Phenomenon, optimization of diagnosticus and treatment of iron deficiency anemia  
associated with *Helicobacter pylori* in women of childbearing age.....43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**Listof published works.....47**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВА МОҲИДИЛ НОСИРОВНА**

**ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ХЕЛИКОБАКТЕР ПИЛОРИ БИЛАН  
АССОЦИРЛАНГАН ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИНИ  
УЧРАШИ, ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Tib5115 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Нурбаев Фармон Эргашович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Жарилкасинова Гавхар Жанузаковна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бекмурзаева Илмира Куанишовна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Ургенч давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ёйдовон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ёйдовон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти:** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда 1,62 миллиард камқонлик билан касалланган беморлар мавжуд бўлиб бу популяцияда 24,8% ни ташкил этади. Улар орасида 50% га яқини темир танқислиги камқонлигига чалинган инсонлардир. Туғиш ёшидаги аёлларда камқонликнинг ушбу тури энг кўп тарқалган ҳолат ҳисобланиб, учраши бўйича биринчи ўринда туради. Аёллар, айниқса ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар, ушбу касалликка мойил гуруҳга киради. Шундай ҳолатда инфекция агент сифатида *H.pylori*нинг аҳамияти янада ошади. Мазкур бактерияни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш нафақат камқонликни бартараф этиш, балки унинг келгуси асоратларининг олдини олишга хизмат қилади.

Жаҳонда *H.pylori* кенг тарқалган инфекциялар қаторига кириб иқтисоди тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг 50% ва ривожланиб келаётганларнинг 90% да аниқланади. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, *H.pylori* таёқчаси энг кўп Африка қитъасида, унга яқинроқ Лотин Америкаси мамлакатлари фуқаролари орасида тарқалган. Улардан фарқли ўлароқ, Ғарбий Европа ва Австралия қитъасида *H.pylori* билан зарарланиш камроқ учрайди ва 30-40% ташкил этади. Маълумотларга кўра, ушбу инфекция Россия давлати аҳолисининг 50-80% қайд этилиб, унинг турли ҳудудларида бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Айрим тадқиқодчилар *H.pylori* учраши турли ёшдаги аҳоли орасида бир-биридан бирмунча фарқ қилишини аниқлашган<sup>1</sup>. Бундан ташқари *H.pylori* учраши ва тарқалиши аҳолининг турмуш даражаси, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, соғлиқни сақлаш тизими ҳолатига ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонда *H.pylori* турли штамларини учраш даражаси профессор М.М.Каримов ва шогирдлари томонидан ўрганилган (2015). Унга кўра, мамлакатимиз аҳолиси орасида кўпроқ унинг Sag A мусбат штамми учрайди ва тарқалиши турли ҳудудларда бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Мамлакатимизда ҳам камқонлик туғиш ёшидаги аёллар ва ҳомиладорлар орасида кенг тарқалган ҳамда унинг қатор йўналишлари ўрганилган. Лекин ҳозирга қадар туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан боғлиқ бўлган темир танқислиги камқонлиги тўғрисидаги маълумотлар биз ўрганган адабиётларда мавжуд эмас. Республикамизда тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан ошқозон-ичак ва камқонлик касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволашни янада мукаммаллаштириш ҳамда халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. Улар аҳоли орасида ошқозон-ичак касалликлари ва улар туфайли юзага келадиган камқонлик сабабларини эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон, “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш

<sup>1</sup> Hooi J.K.Y. et al. “Global prevalence of Helicobacter pylori infection: systematic review and meta-analysis.” Gastroenterology, 2017.

тўғрисида” ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сайёраимизда барча камқонликка чалинганларнинг 50% дан кўпроғи темир танқислиги камқонлиги билан оғриган. Уларнинг сабаби темир моддасини етарли даражада истеъмол қилмаслик, ошқозон-ичак тизимидаги паразит инфекциялар, овқатдаги темир моддаси сўрилишининг пастлиги, микроэлементни кўп йўқотиш ҳисобланади. Лекин 15% ҳолларда унинг сабаби номаълум ёки рефрактор темир танқислиги камқонлиги учрайди. Ушбу рефрактор камқонликка аксарият ҳолларда *H.pylori* сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Ся ва ҳаммуаллифлар Хитой Халқ Республикасининг шимолий шарқида *H.pylori* билан темир танқислиги орасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадида 12-18 ёшдаги 1037 ўсмир қизларда икки маротаба ёпиқ рандомизирланган назоратли кузатув олиб борганлар. Ушбу текширишга кўра, темир танқислиги ҳолати, камқонлик ва темир танқислиги камқонлиги ва *H.pylori* популяциясида мос равишда 40.4%, 19.5%, 17.1% ва 31.2% аниқланган. Темир танқислиги аниқланган беморлардан 46.9% (177 тадан 83 тасида) *H.pylori* мусбат бўлган. Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, ҳомиладорлар орасида камқонликни учраши 39-44%, туғруқдан кейинги аёлларда 24-27% аниқланади. Лекин яширин темир танқислиги янада кўп учраши кўрсатилган (Тютюнник В.Л., Кан Н.У., Ломова В.А., 2017).

Республикаимизда темир танқислиги камқонлиги ва *H.pylori* орасидаги боғлиқлик илк марта профессор А.Г. Гадаев ва ҳаммуаллифлар томонидан ўрганилган (2022). Уларнинг кузатувларига кўра, *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлиги ривожланишида зарарли одатлар (сигарет ва носвой чекиш) ҳамда овқатланиш тартибига амал қилмаслик муҳим аҳамиятга эга. Улар аниқлаган беморларда темир танқислиги камқонлигининг енгил даражасида *H.pylori* мос равишда 26,9 ЕД/мл ва 26,2 ЕД/мл бўлиб, бу зарарли одатлар бўлмаганларга нисбатан 1,19 марта, ўрта оғир даражасида 28,1 ЕД /мл ва 27,6 ЕД/мл 1,09 маротаба, оғир даражасида 52.2 ЕД/мл ва 54.6 ед/мл 1.23 маротаба юқорилиги аниқланган (Гадаев А.Г., Махкамов Л.С., 2022).

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, макроорганизм устунлигига эга бўлса ҳам патоген бактериялар темирни бир неча усуллар ёрдамида ўзлаштиради. Улар сидероформланган темирни қабул қилиш,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” қарори

уни лактоферрин ва трансферринни интернализацияси, эритроцитлар лизиси ва кейинроқ қонда озод чиққан гем бирикмаларидан фойдаланиланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб Республикамизда ҳам, айниқса иссиқ иқлимли Бухоро вилояти шароитида, туғиш ёшидаги аёллар орасида темир танқислиги камқонлигини туғруқлар сони, унинг интергенетик интервали (бу бола туғилгандан кейин навбатдаги хомладорликгача бўлган давр хисобланади. ЖССТ 2018 йил тавсиясига биноан икки туғруқлар ўртасидаги оралиқ 24+9 ой бўлиши лозим). Ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, олдимизга қуйдаги мақсад ва вазифаларни қўйдик.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини ташхислаш ва даволашни муккамалаштириш.

**Тадқиқот вазифалари:**

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини туғиш ёшидаги аёлларда учраш даражасини ўрганиш;

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик (темир, ферритин, трансферрин, эрувчи трансферрин рецепторлари) кўрсаткичларини туғруқлар сонидан келиб чиқиб ўрганиш;

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик (темир, ферритин, трансферрин, эрувчи трансферрин рецепторлари) кўрсаткичларини ЖССТ томонидан тавсия этилган туғруқларнинг интергенетик оралиқларидан келиб чиқиб ўрганиш;

Туғиш ёшидаги аёллардаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигида қонда интерлейкин-6 ва а-ўсма некроз омили кўрсаткичларини аниқлаш;

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигида, антихелибактер ва феррокинетик даво биргаликда қўлланилгандаги самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** дастлабки босқичда кузатувдаги 500 нафар камқонлик аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* мавжудлиги нафас синамаси ҳамда қон зардобидан иммунофермент усулида текширилди. Кузатувимиздаги туғиш ёшидаги камқонлик мавжуд беморларнинг 183 (36.6%) нафарида *H.pylori* антитаначалари топилди ва 317 (63.4%) да бактерия аниқланмади. Ушбу босқичда камқонлик сабабларини аниқлаш мақсадида 183 нафар *H.pylori* аниқланган ва 60 нафар бактерия аниқланмаган аёлларни анамнестик, лаборатор-асбобий текшириш натижаларини ўзаро солиштира баҳоланди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида *H.pylori* аниқланган 183 нафар аёллар олиб борилган даво муолажаларига асосан иккита гуруҳга ажратилиб кузатувга олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Биохимёвий ва иммунологик текширувлар ўтказиш учун кузатувга олинганларнинг веноз қони зардобидан фойдаланилди.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий ишда клиник, функционал, асбобий (электрокардиография (ЭКГ), эзофагогастроуденоскопия (ЭФГДС), ултратовуш текшируви (УТТ), биохимёвий (қон зардобидида темир, ферритин,

трансферрин, эрувчи трансферрин рецепторлари, интерлейкин-6 ва  $\alpha$ -ўсма некрози омили) ҳамда статистик таҳлиллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат бўлди:**

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик (темир, ферритин, трансферрин, эрувчи трансферрин рецепторлари) кўрсаткичларини туғруқлар сонидан келиб чиқиб индивидуал назорат қилиш, ушбу камқонликнинг учраш даражаси ишончли камайишига олиб келиши асосланган;

*H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик кўрсаткичлари ва туғруқларнинг интергенетик оралиқлари орасида юқори ишончли корреляцион боғлиқлик борлиги исботланган;

*H.pylori* инфекцияси фонида интерлейкин-6 ва  $\alpha$ -ўсма некроз омили (TNF- $\alpha$ ) ўсиши орқали гепсидин секрециясининг ортиши ва ферропортин блокадасига олиб келувчи механизмлар туғиш ёшидаги аёлларда резистент темир танқислиги камқонлиги ривожланишининг асосий патогенетик звеноси сифатида баҳоланган;

туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини олдини олиш ва самарали даволашнинг индивидуал алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлиги барқарор кечган барча ҳолларда нафас синамаси ёрдамида *H.pylori* мавжудлигини аниқлаш лозим;

*H.pylori* аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда камқонликнинг юзага келиши ва кучайиб боришида туғруқлар сони ва интергенетик оралиқни сақлаш муҳим аҳамиятга эгалиги тасдиқланган;

Темир танқислиги камқонлиги негизида *H.pylori* аниқланган барча ҳолларда аввал эрадикацион терапия ўтказиб ундан сўнг антианемик муолажалар ижобий самара бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган ёндашувлар ва усуллар, илмий маълумотларнинг олинган натижалар билан муштараклиги, ўтказилган текширувларда услубий ёндашишнинг монандлиги, тадқиқотда жалб этилган беморлар сонининг етарлилиги, замонавий статистик текширишлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларни жаҳон ва мамлакатимиздаги олинган натижалар билан таҳлилий ўрганилганлиги, хулосалар қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлиги ривожланишида *H.pylori* ва унинг натижасида юзага келган сурункали яллиғланиш ҳамда оқибатида интерлейкин-6 ва  $\alpha$ -ўсма некрози омилининг таъсирида резистент камқонлик ривожланиши аниқланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлиги аниқланган барча ҳолларда аввал эрадикацион муолажалар ўтказиб кейин антианемик терапия буюриш лозимлиги билан изоҳланади.



### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

“Туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш” мавзусидаги услубий тавсиянома (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 6 июнь 2025 йил №25м/186-сон хулосаси маълумотномаси)

Олинган амалий натижалар Бухоро шаҳар тиббёт бирлашмаси (20 июнь 2025 йилдаги №246-2-42-ТВ/2025-сонли буйруқ). Бухоро вилоят Когон туман тиббиёт бирлашмаси (13.02.2025 йилдаги №470-2-208-ТВ/2025.буйруқ)да жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 7.10.2025 йил 26-сонли баённомаси хулосаси)

**Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги.** *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини туғиш ёшидаги аёлларда учраш даражасини эрта аниқлаб бартараф этиш натижасида касалликнинг оғир кечишини ва ундан келиб чиқадиган асоратларни камайтиришга эришилади. Туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлиги барқарор кечган барча ҳолларда нафас синамаси ёрдамида *H.pylori* мавжудлигини аниқлаш лозим.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.** *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини туғиш ёшидаги аёлларда учраш даражасини эрта аниқлаб бартараф этиш натижасида касалликнинг оғир кечишини ва ундан келиб чиқадиган асоратларни камайтириш натижасида беморларнинг амбулатор мурожаатлари қисқариши ва стационар даволаниш муддати камайиши ҳисобидан ҳар бир нафар бемор учун сарфланадиган бюджет харажатларини 454600 сўмга иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини туғиш ёшидаги аёлларда учраш даражасини эрта аниқлаб бартараф этиш катта аҳамият касб этди.

**Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги.** Ўтказилган тадқиқотларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик (темир, ферритин, трансферрин, эрувчи трансферрин рецепторлари) кўрсаткичларини туғруқлар сонидан келиб чиқиб ўрганиш, диагностик ва прогностик аҳамияти кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қондаги феррокинетик кўрсаткичларини туғруқлар сонидан келиб чиқиб ўрганиш, касаллик асоратларини эрта ташхислаш, касаллик ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилаган, ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қондаги феррокинетик кўрсаткичларини туғруқлар сонидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда феррокинетик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларга асосланиб олиб борилган патогенетик даво натижасида беморларнинг стационарда бўлиши ўртача 7 кунга қисқариши ҳисобидан ҳар бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 870 400 сўм, бюджетдан ташқари 446 000 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган.

**Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги.** Ўтказилган тадқиқотларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қонда феррокинетик кўрсаткичларини туғруқларнинг

интергенетик оралиқларидан келиб чиқиб таҳлил қилинган ва ушбу корреляцион боғлиқликни ўрганиш касалликнинг эрта даврида диагностик ва прогностик аҳамияти кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида касалликнинг асоратларни эрта ташхислаш, касалликни ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилаган ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қондаги феррокинетик кўрсаткичларини туғруқлар оралиғидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда феррокинетик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларга асосланиб олиб борилган патогенетик даво натижасида беморларнинг стационарда бўлиши қисқариши ҳисобидан ҳар бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 812 125 сўм, бюджетдан ташқари 410 000 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида қондаги феррокинетик кўрсаткичларини туғруқлар оралиғидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда феррокинетик кўрсаткичлар билан туғриқ оралиғи ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар асосида ишлаб чиқилган ташхисот мезонларидан фойдаланиб, эрта ташхислаш ҳисобидан ҳар бир нафар бемордан 1 320 400 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги.** Туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида яллиғланиш цитокинларидан  $\alpha$ -ўсма некрози омили аёлларда туғруқлар сонидан келиб чиқиб юқори ишончли ( $p < 0.001$ ) салбий томонга ўзгариши асосланган ва олдини олиш тадбирлари такомиллаштиришига эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида яллиғланиш цитокинларидан  $\alpha$ -ўсма некрози омили аёлларда туғруқлар сонидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда касалликнинг ривожланишини олдини олиш ҳисобига диагностик-даволаш тадбирларига кетадиган харажатлар бир нафар бемор ҳисобига 1550000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: туғиш ёшидаги *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонликларида яллиғланиш цитокинларидан  $\alpha$ -ўсма некрози омили аёлларда туғруқлар сонига эътибор бериш ўз навбатида касаллик асоратлар ривожланишини олдини олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини учраши, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда инсон организмида темир ҳосил бўлиши, унинг алмашинуви туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлигини тарқалиши, *H.pylori* билан темир танқислиги камқонлигининг ривожланиши механизмлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва усуллари ҳақида маълумотлар ёритилган. 2023-2024 йилларда Бухоро шаҳар 2-сонли оилавий поликлиникага мурожаат қилган туғиш ёшидаги камқонлик аниқланган 500 нафар бемор аёл бирламчи кузатувга жалб этилган. Уларнинг ўртача ёши  $35.4 \pm 4.6$  ни ташкил этади.

Илмий ишда дастлабки босқичида кузатувдаги 500 нафар камқонлик аниқланган туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* мавжудлиги нафас синамаси ҳамда қон зардобидан иммунофермент усулида текширилди. Кузатувимиздаги туғиш ёшидаги камқонлик мавжуд беморларнинг 183 (36.6%) нафарида *H.pylori* антитаначалари топилди ва 317 (63.4%) да бактерия аниқланмади. Ушбу босқичда камқонлик сабабларини аниқлаш мақсадида 183 нафар *H.pylori* аниқланган ва 60 нафар бактерия аниқланмаган аёлларни анамнестик, лаборатор-асбобий текшириш натижалари ўзаро солиштирма баҳоланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида *H.pylori* аниқланган 183 нафар аёллар олиб борилган даво муолажаларига асосан иккита гуруҳга ажратилиб кузатувга олиндилар. Текширув режаси ўз ичига қуйдагиларни олди: беморлар шикоят, анамнези, объектив кўрик, умумий қабул қилинган клиник-лаборатор, асбобий ва махсус биокимёвий; Электрокардиография; Жигар ва буйрак ультратовуш текшируви; Эзофагогастроуденоскопия, иммунфермент таҳлил-қон зардобидagi трансферрин, темир, ферритин, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некрози омили.

Беморларда бирламчи текширувлар поликлиникага мурожаат қилган кунидан бошлаб 10 кун ичида олинган. Қайта текширув беморлар кузатувда бўлгандан сўнг 6 ойида амалга оширилди. 6 ой давомида кузатувда бўлган беморларда темир, ферритин, трансферрин, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некрози омили динамикада баҳоланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** номли учинчи бобида беморларнинг клиник ва лаборатор текширув натижалари келтирилган.

Тадқиқот иши темир танқислиги камқонлиги мавжуд *H. Pylori* аниқланган ва аниқланмаган беморларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг кечиш хусусиятларига бағишланган. Тадқиқот иши Бухоро шаҳар 2-сон оилавий поликлиникада олиб борилган.

Кузатувимиздаги 183(36,6%) *H. pylori* антитаначалари аниқланган бемор аёллар ва 60 нафар аниқланмаган аёлларда симптомларнинг учраш даражаси солиштирма ўрганилганда олинган натижалар *H. pylori* аниқланган беморларда кўнгил айланиши, иштахасизлик, эпигастрал соҳада оғриқ ва эрта тўйиш хисси каби симптомларнинг бактерия аниқланмаганларга нисбатан кўпроқ учрашини кўрсатди. Ушбу белгилар *H. pylori* нинг сурункали равишда ошқозон-ичак тизимида бўлиши унинг шиллиқ қаватида яллиғланиш жараёнларини кучайтириб ҳазм жараёнларига салбий таъсир этишини тасдиқлайди (1-жадвал).

### 1-жадвал.


#### ***H. pylori* аниқланган ва аниқланмаган беморларда симптомларнинг учраш даражаси**

|    | Симптомлар                   | <b><i>Helicobacter Pylori</i><br/>аниқланган<br/>беморлар, n=183</b> | <b><i>Helicobacter Pylori</i><br/>аниқланмаган<br/>беморлар, n=60</b> | Гуруҳлар<br>ўртасида фарқлар<br>ишончлилиги |
|----|------------------------------|--|---|---|
| 1  | Эпигастрал соҳада<br>оғриқ   | 142 (77,5%)  | 30 (50%)  | $p<0.001$<br>$\chi^2=16.638$                |
| 2  | Эрта тўйиш хисси             | 113 (62%)  | 24 (40%)  | $p<0.01$<br>$\chi^2=8.691$                  |
| 3  | Жиғилдон қайнаши             | 92 (50.3%)   | 27 (45.2%)  | $p=0,479$<br>$\chi^2=0.503$                 |
| 4  | Кўнгил айланиши              | 75 (41%)   | 16 (26.7%)  | $p=0,047$<br>$\chi^2=3.954$                 |
| 5  | Иштаха сустлиги              | 58 (31.7%)   | 7 (12%)   | $p=0,003$<br>$\chi^2=9.250$                 |
| 6  | Кекириш                      | 46 (25%)   | 16 (26%)  | $p=0.814$<br>$\chi^2=0.056$                 |
| 7  | Қайт қилиш                   | 11 (6%)  | 2 (3%)  | $p=0.424$<br>$\chi^2=0.640$                 |
| 8  | Таъм билиш<br>бузилиши       | 22 (12%)   | 5 (8%)  | $p=0.431$<br>$\chi^2=0.622$                 |
| 9  | Холсизлик ва<br>дармонсизлик | 73 (40%)   | 22 (36.6%)  | $p=0.657$<br>$\chi^2=0.197$                 |
| 10 | Тери қуруқлиги               | 27 (15%)   | 6 (10%)   | $p=0.351$<br>$\chi^2=0.870$                 |
| 11 | Тирноқларда<br>ўзгаришлар    | 18 (10%)   | 3 (5%)  | $p=0.248$<br>$\chi^2=1.339$                 |
| 12 | Ангуляр стоматит             | 11 (6%)  | 3 (5%)  | $p=0.771$<br>$\chi^2=0.085$                 |
| 13 | Глоссит                      | 13 (7.1%)  | 6 (10%)   | $p=0.469$<br>$\chi^2=0.526$                 |
| 14 | Дисфагия                     | 19 (10.4%)   | 6 (10%)   | $p=0.933$<br>$\chi^2=0.007$                 |

Маълумки, *H. pylori* бактерияси таъсирида бемор организмида сурункали яллиғланиш жараёнлари ривожланади. Бунинг натижасида қон зардобиди

яллиғланиш цитокинлари миқдорининг кўпайиши содир бўлади. Шу сабабли кузатувга олинган беморларда асосий яллиғланиш цитокинларидан ҳисобланган интерлейкин-6 ва  $\alpha$ -ўсма некроз омили кўрсаткичларини ўргандик. Ўрганишимиз натижасида қон зардобиди интерлейкин-6 миқдори иккала гуруҳда мос равишда  $11,7 \pm 0,3$  ва  $9,4 \pm 0,2$  пг/мл га тенг бўлди ҳамда улар орасида юқори ишончли фарқ ( $p < 0.001$ ) қайд этилди.


$\alpha$ -ўсма некрози омили кўрсаткичлари *H. pylori* аниқланган ва у аниқланмаган гуруҳида мос равишда  $15,1 \pm 0,3$  пг/мл ва  $11,2 \pm 0,2$  пг/мл га тенг бўлди. Олинган натижалар ўзаро солиштирма ўрганилганда ( $p < 0.001$ ) юқори ишончли фарқ аниқланди (1-расм)



**1-расм. Кузатувга олинган *H. pylori* аниқланган ва у аниқланмаган беморларда яллиғланиш цитокинларининг солиштирма кўрсаткичлари**

Кузатувидаги камқонлик аниқланган туғиш ёшидаги аёлларнинг туғруқлар сони ва интергенетик интервали ўрганилган. Туғруқлар оралиғи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йилдаги тавсиясидан келиб чиқиб баҳоланди. Унга кўра  $24 \pm 9$  ойдан юқори бўлган ҳолларда туғиш оралиқлари сақланган ва ундан кам бўлганда оралиқларга амал қилинмаган деб ҳисобланган


Қуйидаги 2- расмда кузатувимиздаги бактерия аниқланган ва у мавжуд бўлмаган аёлларда туғруқлар сони келтирилган.



**2-расм. *H. pylori* аниқланган ва аниқланмаган гуруҳларда туғруқлар сони кўрсаткичлари.**

*H. pylori* аниқланган беморларда туғруқлар сони бир нафар бўлганлар 30% ни, икки нафари 37%, уч нафарлари 31%, тўрт ва ундан кўп бўлганлар 2% ни ташкил этди. *H. pylori* аниқланмаган беморларда бу кўрсаткичлар мос равишда 25%, 42%, 30% ва 3 % га тенг бўлди. Иккала гуруҳ ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ аниқланмади.

3-расмда келтирилганидек, бактерия аниқланганларнинг 32% жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия эган интергенетик интервалга амал қилган ва 68% унга амал қилмаган. *H. pylori* аниқланмаганларда бу кўрсаткич мос равишда 45% ва 55% га тенг бўлди. Гуруҳлар ўзаро солиштирилганда интергенетик интервалда фарқлар кузатилса ҳам фарқлар ишончли бўлмади.



**3-расм. *H. pylori* аниқланган ва аниқланмаган гуруҳларда туғруқлар оралиғи кўрсаткичлари**

Туғиш ёшидаги аёлларда темир танқислиги камқонлиги юзага келишида туғруқлар сони ҳамда давомийлиги билан айрим феррокинетик кўрсаткичларнинг боғлиқлигини бир омилли дисперсион таҳлил (ANOVA) ёрдамида ўрганилди. Улар қуйидаги 2- ва 3- жадвалларда келтирилган.

**2-жадвал.**

**Темир танқислиги камқонлиги мавжуд ва *H. pylori* аниқланган беморларда феррокинетик кўрсаткичларнинг туғруқлар сони билан боғлиқлиги**

| Кўрсаткич            | Ўлчов бирлиги | 1 туғруқ  | 2 туғруқ   | 3 туғруқ    | ≥4 туғруқ   |
|----------------------|---------------|-----------|------------|-------------|-------------|
| Гемоглобин           | г/л           | 112,4±8,1 | 108,6±7,9* | 104,2±8,3** | 98,7±9,1*** |
| Зардоб темир         | мкмоль/л      | 9,8±2,1   | 8,7±2,0*   | 7,5±1,9**   | 6,3±1,8***  |
| Ферритин             | нг/мл         | 18,6±5,2  | 14,9±4,8*  | 11,2±4,3**  | 8,1±3,9***  |
| Трансферрин          | г/л           | 3,42±0,41 | 3,55±0,39  | 3,61±0,44*  | 3,58±0,46   |
| sTfR                 | мг/л          | 2,6±0,7   | 3,1±0,8*   | 3,8±0,9**   | 4,5±1,0***  |
| <i>H. pylori</i> (+) | %             | 58,3      | 65,7*      | 72,4**      | 81,9***     |
| Интерлейкин-6        | пг/мл         | 5,8±1,9   | 7,4±2,3*   | 9,6±2,8**   | 12,8±3,4*** |
| TNF-α                | пг/мл         | 7,1±2,0   | 8,6±2,4*   | 10,2±2,7**  | 12,1±3,1*** |

Изоҳ: \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ , \*\*\* $p < 0,001$ ; 1-туғруқ гуруҳига нисбатан 2-, 3- ва ≥4-туғруқ гуруҳлари билан таққослаш асосида расмийлаштирилди.

Туғруқ сони ортиши билан гемоглобин, зардоб темири ва ферритин кўрсаткичларининг босқичма-босқич пасайиши кузатилди, бу темир захираларининг етарли тикланмаслиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, эрувчи трансферрин рецепторлари ҳамда IL-6 ва TNF- $\alpha$  даражаларининг изчил ошиши сурункали яллиғланиш ва функционал темир танқислигининг чуқурлашувини кўрсатади. *H. pylori* мусбатлиги кўп туғруқли аёлларда юқорироқ бўлиб, инфекция репродуктив юклама билан ўзаро кучайиб борувчи омил сифатида намоён бўлди.

### 3-жадвал.

#### Темир танқислиги камқонлиги мавжуд ва *H.pylori* аниқланган беморларда феррокинетик кўрсаткичларининг туғруқлар оралиғи билан боғлиқлиги

| Кўрсаткич            | Ўлчов<br>бирлиги | 1 йил<br>оралиқ | 2 йил<br>оралиқ | 3 йил<br>оралиқ | ≥4 йил<br>оралиқ |
|----------------------|------------------|-----------------|-----------------|-----------------|------------------|
| Гемоглобин           | г/л              | 97,9±8,8        | 103,6±8,4*      | 108,9±7,6**     | 113,8±7,1***     |
| Зардоб темир         | мкмоль/л         | 6,4±1,7         | 7,6±1,9*        | 8,9±2,0**       | 10,1±2,2***      |
| Ферритин             | нг/мл            | 8,3±3,6         | 11,7±4,2*       | 15,6±4,9**      | 19,8±5,4***      |
| Трансферрин          | г/л              | 3,62±0,45       | 3,55±0,42       | 3,47±0,40*      | 3,38±0,39**      |
| sTfR                 | мг/л             | 4,6±1,0         | 3,9±0,9*        | 3,2±0,8**       | 2,6±0,7***       |
| <i>H. pylori</i> (+) | %                | 82,5            | 74,3*           | 66,8**          | 58,1***          |
| Интерлейкин-6        | пг/мл            | 13,2±3,6        | 10,1±3,0*       | 7,6±2,4**       | 5,9±2,0***       |
| TNF- $\alpha$        | пг/мл            | 12,4±3,2        | 10,0±2,8*       | 8,1±2,3**       | 6,9±2,1***       |

Изоҳ: \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ , \*\*\* $p < 0,001$ ; 1-йил оралиқ гуруҳига нисбатан 2-, 3- ва ≥4-йил оралиқ бўлган туғруқ гуруҳлари билан таққослаш асосида расмийлаштирилди.

Туғруқлар оралиғи қисқариши билан гемоглобин, зардоб темири ва ферритин кўрсаткичларининг ишончли пасайиши ҳамда эрувчи трансферрин рецепторлари, IL-6 ва TNF- $\alpha$  даражаларининг ошиши кузатилди. Бу ҳолат организмда темир захираларининг етарли тикланмаслиги ва *H. pylori* билан боғлиқ сурункали яллиғланиш фаоллашуви билан изоҳланади. ≥4 йиллик интервалда феррокинетик кўрсаткичлар нисбатан нормаллашиб, яллиғланиш маркерлари камайгани аниқланди.

Туғруқлар оралиғининг 1–2 йилга қисқариши *H. pylori* билан ассоциацияланган темир танқислиги камқонлигида темир захираларининг тикланишини чеклаб, яллиғланиш фаоллигини кучайтирувчи асосий хавф омилли ҳисобланади.

Ушбу гуруҳда *H.pylori*нинг қондаги антитаначалари ва туғруқлар оралиғи орасидаги ишончли ( $p < 0,05$ ) боғлиқликни алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда интергенетик интервал интерлейкин-6 ва  $\alpha$  - ўсма некрози омилли каби яллиғланиш цитокинлари билан ҳам юқори ишончли ( $p < 0,001$ ) боғлиқликда эканлиги аниқланди.

Сўнги натижалар аёллар организмда бактериянинг мавжудлиги сурункали яллиғланиш жараёнларини чақириши ва оқибатда *H.pylori* билан биргаликда камқонликнинг авжланишига сабаб бўлишини тасдиқлайди. Буни бактерияни феррокинетик кўрсаткичлар билан 2-ва 3- жадвалда келтирилган

бир омилли дисперсион тахлилдаги ишончли боғлиқликда эканлиги ҳам кўрсатади. Ушбу нуктаи назардан туғиш ёшидаги темир танқислиги камқонлиги аниқланган аёлларда уни бартараф этиш учун бактерияга қарши эрадикация муолажаларини ўтказиш ҳамда туғруқлар оралиғига амал қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Туғиш ёшидаги аёлларда *H.pylori* билан ассоцирланган темир танқислиги камқонлигини даволаш” деб номланиб, ушбу бобда *H.pylori* аниқланган асосий гуруҳдаги беморлар ва киёсий гуруҳидаги беморларда ўтказилган даво муолажалари баён қилинган. Илмий ишнинг иккинчи бобида баён қилганимиздек кузатувдаги *H.pylori* аниқланган асосий гуруҳдаги беморлар муолажалардан келиб чиқиб икки гуруҳга ажратилиб ўрганилди.

Уларнинг биринчи асосий гуруҳини 100 нафар ўртача ёши  $36.2 \pm 3.5$  йил бўлган аёллар ташкил этдилар. Ушбу гуруҳ беморларга дастлаб *H.pylori* га қарши эрадикацион терапия (протон помпаси ингибитори, амоксициллин, кларитромицин, метронидазол, висмут препаратлари) индивидуал дозаларда буюрилди. *H.pylori*га қарши ўтказилган комплекс муолажалардан сўнг бактерия синамаси манфий бўлгандан кейин антианемик даво сифатида темир III сахароза комплекси тавсия этилди.

Иккинчи гуруҳга 83 нафар ўртача ёшлари  $37.4 \pm 2.6$  га тенг бўлган аёллар жалб қилинди. Уларга фақат антианемик муолажалар (зардобдаги темир кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳар бир беморга индивидуал дозада темир III сахароза комплекси) буюрилди. Олинган натижалар солиштирма ўрганилди ва улар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал.

**Кузатувга олинган асосий ва киёсий гуруҳидаги беморларда ўтказилган муолажалардан олдинги ва кейинги феррокинетик ҳамда яллиғланиш цитокинларининг солиштирма кўрсаткичлари**

| Кўрсаткичлар                                      | Даводан олдин        |                      |          | Даводан кейин        |                      |          |
|---|----------------------|----------------------|----------|----------------------|----------------------|----------|
|   | Асосий гуруҳ (n=100) | Киёсий гуруҳи (n=83) | P        | Асосий гуруҳ (n=100) | Киёсий гуруҳи (n=83) | P        |
| Темир, мкмол/л                                    | $7,6 \pm 0,9$        | $7,9 \pm 1,1$        | $>0,05$  | $27,8 \pm 2,9^{***}$ | $18,5 \pm 2,6^{***}$ | $<0,05$  |
| Ферритин, мкг/мл                                  | $66,6 \pm 3,5$       | $60,4 \pm 3,6$       | $<0,001$ | $92,5 \pm 4,1^{***}$ | $76,7 \pm 3,8^{**}$  | $<0,01$  |
| Трансферрин, г/л                                  | $5,0 \pm 0,5$        | $4,6 \pm 0,4$        | $<0,001$ | $15,6 \pm 1,2^{***}$ | $10,0 \pm 1,1^{***}$ | $<0,001$ |
| Эрувчи трансферрин рецептори, мг/л                | $4,5 \pm 0,3$        | $4,7 \pm 0,2$        | $>0,05$  | $2,4 \pm 0,3^{***}$  | $3,6 \pm 0,4^*$      | $<0,05$  |
| Трансферриннинг г темир билан тўйиниш даражаси, % | $11.2 \pm 1.1$       | $10.4 \pm 1.3$       | $>0,05$  | $18,5 \pm 2,3^{**}$  | $12,2 \pm 2,0$       | $<0,05$  |




Изоҳ: \*-даводан олдинги ва кейинги кўрсаткичларнинг ишончлилик даражаси: \*  $p<0,05$ , \*\* -  $p<0,01$ , \*\*\* -  $p<0,001$

Жадвалда келтирилганидек, зардобдаги темир миқдори асосий ва назорат гуруҳида даводан олдин мос равишда  $7,6\pm0,9$  ва  $7,9\pm1,1$  мкмол/л га тенг бўлди. Улар ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ аниқланмади ( $p>0,05$ ). Асосий гуруҳда ўтказилган босқичли комплекс даво муолажаларидан сўнг  $7,6\pm0,9$  мкмол/л дан  $27,8\pm2,9$  мкмол/л га  $3,65$  маротаба ошиб юқори ишончли ( $p<0,001$ ) фарқ қайд этилди. Киёсий гуруҳда зардобдаги темир миқдори ўтказилган антианемик даво муолажасидан сўнг  $7,9\pm1,1$  мкмол/л дан  $18,5\pm2,6$  мкмол/л га  $2.34$  маротаба ошди ва юқори ишончли фарқ кузатилди ( $p<0,001$ ). Гуруҳлар ўртасида даводан кейинги зардобдаги темир кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ кузатилди ( $p<0,05$ ). Ферритин кўрсаткичи асосий гуруҳда даводан олдин  $66,6\pm3,5$  мкг/мл ва кейин  $92,5\pm4,1$  мкг/мл га тенг бўлди ҳамда юқори ишончли фарқ аниқланди ( $p<0,001$ ). Киёсий гуруҳда унинг миқдори ўтказилган антианемик даво муолажасидан сўнг  $60,4\pm3,6$  дан  $76,7\pm3,8$  мкг/мл га ишончли ( $p<0,01$ ) ошди. Асосий ва киёсий гуруҳда даводан олдинги ва кейинги ферритин кўрсаткичлар ўзаро солиштирилганда юқори ишончли фарқ қайд ( $p<0,01$ ) этилди.

